

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ**

**ТАРИХЧИ ОЛИМ ФАРҲОД ҚОСИМОВ  
ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА**

хабар келтирдик, Фарҳод Ҳабибович вафот этидилар. Ҳайрон бўлиб қолдим. Наҳотки шундай бўлган бўлса. Ахир кечагина қизғин давра қилган эдикку. Кейинча билсам У.Рашидов ўша кунни эрталаб, бизни маракага домлани олиб келиш учун уйларига борганлар. Дарвозани тақиллатганларида домлонинг ўғиллари Нодиржон чиқиб, Умар Жўраевичга дадам ҳозир чиқадилар, деган. Умар Жўраевич дарвоза олдида устозни бироз кутиб турганларида, ичкаридан нохуш дод-вой овоз чиққан. Оёқ кийимини кийишга эгилган устоз шу эгилганча йиқилиб қолганлар. Умар Жўраевич ҳам уйга югуриб кириб ёрдам кўрсатмоқчи бўлганларида устоз Умар Жўраевич қўлларида жон берган эканлар. Бу мудҳиш воқеа эсимдан ҳеч қачон чиқмаса керак.

Бухоро тарихининг ҳақиқий билимдонларидан бири ҳисобланган тарих фанлар доктори, профессор Фарҳод Ҳабибович Қосимов хотираси сафдошлари, касбдошлари ва шоғирдлари хотирасида абадий сақланиб қолади.

**КАМТАРЛИК ВА ИБРАТ ТИМСОЛИ ЭДИ**

*Алламов Акбар Ахтамович  
БДУ "Ислоом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа"  
кафедраси катта ўқитувчиси*

XX асрнинг 70-йиллари иккинчи ярми. Республикамининг нуфузли олийгоҳи Бухоро давлат педагогика институти Фалсафа кафедрасида ўқитувчи бўлиб иш бошладим. Илк ҳис-ҳаяжонлар, масъулият юки, ахир оз эмас, қўп эмас нуфузли олийгоҳнинг бир бўлагиман-да энди. Ҳали-ҳануз эсимда, ўша илк қадамлар қўйилганда, назаримда гўёки талабалар, институт хизматчилари, устоз-муаллимлари, хуллас, барча-барчанинг нигоҳи менга қадалгандек туюлар эди. Мен эса ўша кезларда ўзим учун бир йўлбошчи, таянч, тақлид қилса арзигулик, юриш-туришидан тортиб то олийгоҳ мавқеи, талаби даражасидаги ўқитувчи муаллим бўлишимга бир маслаҳатчи устозни, яъни ўз идеалимни излар эдим.

**"Дурдона" нашриёти  
Бухоро - 2021**

Кўп вақт ўтмай ўша идеалимни топгандек бўлдим. Бу беназир инсон, ўзининг ўта камтаринлиги, юриш-туриши-ю, бутун ботиний ва зоҳирий қиёфаси, ҳалолликка йўғрилган маънавий дунёси билан ибрат тимсоли бўлган, улкан муаррих олим – Фарҳод Ҳабибович Қосимов эдилар.

Фарҳод Қосимов 1941 йилда Бухоро шаҳрида зиёли хонадонда таваллуд топди. Она шаҳридаги 10-ўрта мактабни имтиёзли тугатгач, Самарқанд дорилфунуни талабаси бўлди. Олийгоҳни муваффақиятли тугатиб, Самарқанд давлат университетининг аспиранти (1964-1967), сўнгра эса ана шу олийгоҳнинг ўқитувчиси сифатида ўз педагогик фаолиятини бошлади.

1969 йилдан ўзининг жонажон шаҳри Бухорога қайтиб, Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)нинг тарих факультетига ўз илмий-педагогик фаолиятини давом эттирди.

Ўша йилдан то сўнги нафасига қадар Фарҳод Қосимовнинг сермазмун, ибратли ҳаёт йўли, илмий ва педагогик ҳамда раҳбарлик фаолияти ана шу муқаддас даргоҳ Бухоро давлат университети билан чабарчарс боғлиқ бўлди.

1968 йил Фарҳод Қосимов ҳаётидаги энг қувончли йил бўлди. У киши номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 1971-1976 йилларда “Умумий тарих” кафедрасини бошқарди. 1977-1980 йилларда Москва шаҳрида докторантура таҳсилини ўтаб, Ўрта Осиё республикалари тарихшунослиги муаммоларига оид докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, тарих фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди.

1980 йилларда у Бухорода яратилган тарихшунослик мактабининг шаклланишига тамал тошини қўйди.

Фарҳод Қосимов уч йил мобайнида тарих факультетининг декани, 1986-1992 йилларда эса институт ректори лавозимларида ҳалол, виждонан, юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият юритди. 1991 йилдан умрининг охиригача “Умумий тарих”, “Тарихшунослик ва

манбашунослик”, “Жаҳон тарихи ва тарихшунослик” кафедраларини бошқарди.

Унинг ўнлаб йирик асарлари – монография, рисола, ўқув-услубий қўлланма ва юзлаб илмий мақолалари Ўзбекистон тарихшунослиги маънавий хазинасини бойитди, десак асло муболаға бўлмайди. “Темурийлар даврида Бухоро” (1996 й) китоби соҳибқироннинг 660 йиллик юбилейига тўёна, “Бухоро – Париж: асрлар садоси” номли китоби эса она шахримиз Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи (1997 й)га муносиб тўхфа бўлди.

Фидоий ва серқирра олимнинг ҳам илмий-педагогик, ҳам ташкилий раҳбарликдаги самарали ва фидокорона меҳнатлари Республика ҳукумати томонидан фахрий ёрлиқлар ва кўкрак нишонлари билан бир неча бор муносиб тақдирланган. Жумладан, олимга Биринчи президентимизнинг фармони билан таъсис этилган “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил” кўкрак нишони берилди.

Фарҳод Қосимов инсон ва шахс сифатида ҳам ибрат олса арзигулик нодир ахлоқий фазилатлар соҳиби эди. Ундаги юксак дид ва ўзига муносиб кийиниш, хоҳ расмий, хоҳ норасмий давраларда ўтириб-туриш, атрофдагиларга ўта хурмат ила муносабат, ёруғ ва нурли чеҳра, фикрлаш ва сўзлаш маданияти барчага унутилмас таассурот ва чексиз ҳавас уйғотар эди.

Фарҳод Қосимов нафақат муаррих олим, жамоатчи раҳбаргина эмас, балки аҳил, бир-бирига меҳр-оқибатли, иззат-хурматли оиланинг сардори ҳам эди. У турмуш ўртоғи Ойша Шарипова билан бирга бир ўғил, икка қизни тарбиялаб, уларни олий маълумотли, маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етишишини таъминлади.

Ажойиб олим, беназир инсон ва устоз ҳали-ҳануз ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдлари ёдида, нурли сиймоси улар қалбида абадиётга муҳрланб қолган.

Олимнинг ҳамкасб дўстларидан бири, биология фанлари доктори, профессор Садриддин Бақоев: “... Биз Фарҳод ака билан ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб таниш, энг яқин

дўст сифатида шаклландик. Бизларни фақат Бухорода эмас, балки Самарқанд, Тошкент ҳамда бошқа шаҳарларда ҳам ниҳоятда яқин дўстлар, ака-укалар деб билишардилар... Менинг Фарҳод ака ҳақида билганларим шуки, у киши ўта ҳалол, камтарин, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан, аини пайтда хушёр, илмни, фанни қисмат деб билган эди... Ноёб одамийлик фазилатлари билан қавм-қариндош, устоз-шогирдлар, дўстлари, фарзанду-неваралари қалбида мангулик чироғини ёқиб улгурди. Зукко олимнинг авлодларга қолдирган маънавий ёдгорликлари – мақола-ю китоблари қаватлари каломида муҳрланган мазмунли каломи ҳамиша барҳаётдир”, деб эслайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, мутасаввуф олим Садриддин Салим Бухорий (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олган бўлсин) устоз ҳақида шундай ёзганлар: “Фарҳод ака том маънодаги педагог эдилар... Фарҳод ака олим эди... Фарҳод ака эътиқодли эди. Фарҳод ака одоб-ахлоқда намуна эдилар. Менга Фарҳод ака гарчи дарс бермаган бўлсалар-да, мен Фарҳод акани устод деб биламан. Чунки у кишидан жуда кўп неқ хислатларни ўрганганман.”

Юқоридаги фикрларимиз ажойиб устоз, камтаринлик ва ибрат тимсоли Фарҳод Қосимов ҳақида ўчмас хотиралар эди. Хотира – онда қотиб қолган лавҳалардир, хотира – марҳумга нисбатан эҳтиромдир, хотира –қалб ёзувиға босилган муҳрдир.

Шафқатсиз ўлим Фарҳод Қосимовни аини илмий-ижодий фаолияти баракали бўлиб турган бир пайтда, фавқулодда 2006 йилнинг 10 декабрида орамиздан олиб кетди. Аллоҳ Сизни ўз раҳматиға олган бўлсин азиз устоз!

## МУНДАРИЖА

Қаҳрамон Ражабов. Бухоро тарихчиларининг сардори.....	4
Сулаймон Иноятов. Қомусий ақл ва илм соҳиби.....	11
Тошпўлат Раҳмонов. Олим ва ажойиб инсон.....	16
Шариф Болтаев. Беназир инсон, моҳир раҳбар.....	20
Раҳмаг Шоймардонов. Маслакдош дўст эдик.....	23
Сиддиқ Қаҳҳоров. Илм-зиё-маърифатга бахшида умр.....	26
Туроб Жўраев. Ҳақиқий зиёли тимсоли.....	30
Бахтиёр Адизов. Ўз касбидан камолотга эришган инсон.....	35
Ақбар Алламов. Камтарлик ва ибрат тимсоли эди.....	38
Баходир Эргашев. Талантливиый учениый, опытниый педагог, превосходниый организатор.....	42
Худойназар Тошов. Барҳаёт фазилатлар соҳиби.....	47
Носир Раҳимов. Устоз қадри ва хурмати ҳар доим эъзозга лойиқдир.....	49
Гулчеҳра Наврўзова. Улуғворлик тимсоли.....	53
Ориф Кодиров. Илм-фан фидойиси эдилар.....	60
Шухрат Мухамедов. Достойниый сын благословенной Бухары.....	62
Ҳалим Тўраев. Яхши устоздан яхши хотира.....	66
Шодмон Ҳайитов. Бухоро шаҳрининг Бозоригул кўчасида вояга етган олим.....	68
Манзила Курбонова. Рисоладагидек раҳбар устоз.....	72
Сойиб Раупов. Бухоро тарихшунослик мактабининг асосчиси.....	76
Фармон Аминов. Забардаст олим ва ғамхўр устоз.....	79
Юлдаш Ҳайдаров. Зукко олим ва маънавий жасораг соҳиби эдилар.....	82
Лола Мухамеджанова. Ўқитувчим ва устозим.....	88
Содиқ Зарипов. Ҳазрати инсон.....	90
Азалшоҳ Ҳамроев. Китобга меҳр уйғотган устоз.....	93
Мавлуда Раҳмонова. Камтарликдан ўзига ҳайкал қўйган устоз.....	95
Камол Раҳмонов. Файзулла Ҳўжаевнинг бир мақоласи ҳақида устоз билан мулоқот.....	100
Шухрат Қудратов. Одаимийлик бобида тенги йўқ устоз.....	102